Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

М. ЭШМУҲАМЕДОВА

# «Девони ҳикмат» қўлёзмалари тавсифи

Тошкент – 2003

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу рисола муаллифи Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарининг 100 дан ортиқ қўлёзмаларини ўрганиб чиқиб, уларнинг батафсил тавсифини каталог тарзида тузган.

Асар аспирантларга, олий ўқув юрти талабаларига, шунингдек, манбашунослик ва маданиятимиз тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

**Эшмуҳамедова М. «Девони ҳикмат» қўлёзмалари тавсифи.**
–Т.: ТошДШИ нашриёти. 2003. Б. 82.

Масъул муҳаррир: фил.ф.н., доцент А. Ҳабибуллаев

Муҳаррир: фил.ф.н., доцент С. Ғаниева

Тақризчилар: фил.ф.д., проф. Қ. Содиқов
фил.ф.д., проф. З. Исломов

© Тошкент Давлат шарқшунослик
институти, 2003

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Асрлар мобайнида халқимиз «Девони ҳикмат» ни севиб мутолаа қилиб келган. Бу асар Моварounнаҳр, Волгабўйи, Сибир ва Онадўлида муқаддас китоб сифатида эъзозланган.

«Девони ҳикмат» машҳур асар бўлганлиги сабабли, унинг қўлёзма нусхалари кўп.

Ҳозирги кунда бу асарнинг қўлёзмалари Туркия, Татаристон ва Туркманистондаги[1] Шарқ қўлёзмалари фондларида сақланади.

Диёримиз Шарқ қўлёзмалари фондларида сақланаётган «Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг илмий тавсифи нашр этилган каталог фиҳрастда ўз аксини топган.

«Девони ҳикмат» қўлёзмалар сони Навоий асарлари қўлёзмалари сонига деярли тенг. Лекин тенг бўлмаган жиҳатлари бор. Навоий асарлари қўлёзмалари турлича китобат қилинган. Бу хилма-хиллик турли давр ва «турли ижтимоий табақаларининг маънавий дунёси, талаби ва эстетик завқининг ифодаси ўлароқ дунёга келган»[2], «Девони ҳикмат» қўлёзмаларида эса бу ҳолатни кузатмаймиз. Уларнинг деярли ҳаммаси содда, оддий халқ талабидан келиб чиқиб кўчирилган қўлёзмалардир.

Навоий асарлари қўлёзмалари орасида шоир ҳаёт чоғида кўчирилган, «ўша давр хаттотлик ва бадиий қўлёзма санъатининг ютуқларини акс эттирган, айни чоғда Навоийнинг ҳаёт вақтида китобат этилиши билан адабиёт, умуман маданият тарихи учун қимматли»[3] бўлган мукаммал нусхалари ҳам бор. Масалан, Навоий «Хамса»сининг шоир ҳаёт чоғида Абдужамил котиб томонидан кўчирилган нусхаси (бу қўлёзма 5018 сақланиш рақами билан ЎзФАШИ фондида сақланади) ёки «Бадийъу-л-бидоя»нинг Ҳиротда 1486 йил Али бинни Нур тарафидан кўчирилган нусхаси (бу қўлёзма 216 сақланиш рақами

---

[1] Келдиев Қ. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. -Т., 2001. –Б. 288-291.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. -Т., 1983. –Б.5.

[3] Ўша асар. –Б.7.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ЎзФАШИ нинг Ҳамид Сулаймонов фондида сақланади) ва бошқалар.

Лекин «Девони ҳикмат» нинг бундай қадимий қўлёзмаларини учратмадик. 1995 йилга қадар бўлган маълумотга кўра, ЎзФАШИ фондида «Девони ҳикмат» ни 42 та қўлёзмаси, мазкур институтнинг Ҳамид Сулаймонов фондида эса 59 та қўлёзмаси сақланади. Бу 102 жилд қўлёзманинг барча нусхалари XVIII ва XIX асрда китобат қилинган. Ва уларнинг энг қадимийси ЎзФАШИ фондида 4700 чақланиш рақами билан сақланади, китобат таърихи ҳижрий 1130 (милодий 1718 й.) сана.[1]

Навоий асарлари хориж каталогларида шарҳланган, СССР да ва бошқа нашр этилган каталогларда тавсифи берилган бўлса, «Девони ҳикмат»нинг фақат биргина каталогда илмий тавсифи берилганини кўрамиз.[2] Илмий тавсифи берилган бу қўлёзмалар ЎзФАШИ фондида қуйидаги сақланиш рақамлари билан сақланади: 574-Ш, 378-1, 3764, 1564-1, 4700-1У, 377, 1777, 3966, 361-1 ва 3430-П.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймонов фондида (аввалги Қўлёзмалар институти) "Девони ҳикмат"нинг 59 нусхаси сақлангани ҳолда, мазкур институт аҳли томонидан тузилган каталогда бу асар шарҳланмаган эди.[3]

Яна Навоий асарлари қўлёзмаларининг миниатюра билан зийнатланган нусхаларини ҳамда жуда ноёб саналган, матншунослик илми, хаттотлик, китобат санъати учун бебаҳо бойлик манбаи бўлиб хизмат қилувчи нусхаларини учратамиз. «Девони ҳикмат»нинг миниатюрали нусхасини шу кунгача учратмадик. Эътибор билан кўчирилган, китобат санъати учун аҳамиятга молик бўлган нусхалари сийрак учрайди. Улар 11361, 340, 178, 412 сақланиш рақамлари билан мазкур институт фондида сақланади.

---

[1] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. -Т., 1954, том П. С.41-43.

[2] Шу асар.

[3] Каталог фонда института Рукописей. Том I. -Т., 1988; том II, 1989.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Аҳмад Яссавий яшаган шароит билан Навоий яшаган шароитнинг бир-биридан тубдан фарқ қилганини, Навоийда бўлган кенг имкониятлар Аҳмад Яссавийда бўлмаганлигини унутмаслигимиз лозим.

Шу билан бирга Навоий асарлари асосан саройларда сақланганини, Аҳмад Яссавий ҳикматлари эса ўзи каби содда бўлган туркий ҳалқлар талабидан келиб чиқиб китобат қилинганини, ҳикматлар аввал оғзаки ҳолда яратилганлигини ҳамда Яссавий дарвешлари орқали туркий ўлкаларга оғзаки ҳолда ёйилганлигини, маълум бир давр ўтгандан кейингина уларни китобат қилиш амалга оширилганлигини эслаш кифоя.

«Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг айримида ҳикматлар сони 50 та, бошқа бирида 80 та, яна бошқасида эса 100 дан ортиқни ташкил этади. Шунингдек, бу қўлёзмаларнинг кўпларидан Аҳмад Яссавий ҳикматларидан ташқари унинг мактаби шоирлари: Қул Сулаймон, Қул Шариф, Азим Хўжа Эшон, Қул Умурий, Қул Темурий, Шамс Ўзгандий, Қул Сайфуддин ва яна 20 га яқин шоирларнинг шеърлари ҳамда сўфиёна руҳдаги асарлар: «Қиёматнома», «Биби Марям қиссаси», «Биби Фотима қиссаси» ва бошқа асарлар ҳам ўрин олган. Тавсифда қўлёзма таркибини беришда ҳар бир нусхада Яссавийга мансуб нечта ҳикмат бор ва қўлёзмадан яна қайси шоир шеърлари ёки қайси асарнинг ўрин олганлиги қайд этиб борилди. Масалан, ЎзФАШИ фондида 2389 сақланиш рақами билан сақланувчи қўлёзмадан Яссавийнинг 84 та ҳикматидан ташқари Қул Сулаймон ҳамда Машраб шеърлари ҳам ўрин олган.

«Девони ҳикмат» қўлёзмаларида ҳикматлар сони юқорида таъкидланганидек, ҳар хил. Ҳикматлар сони 20 дан ошмайдиган, ҳатто, ундан ҳам камроғи ўрин олган қўлёзмалар ҳам бор. Биз бундай қўлёзмалардан ҳам тадқиқот объекти сифатида фойдаландик. Тавсиф жараёнида бундай қўлёзмалар нотўлиқ нусха сифатида берилди.

«Девони ҳикмат» қўлёзмалари устида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, бир қўлёзмадан ўрин олган ҳикматнинг иккинчи бир қўлёзмада мавжуд эмаслиги, аксинча, учинчи бир қўлёзмадан эса биринчи ва иккинчи қўлёзмадаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳикматларнинг айримлари ва яна бошқа янги ҳикматларнинг ўрин олганлиги бу асарни турли даврда турли хаттотлар турлича қисмини кўчирганликларини, бунинг натижасида асл нусхадан четга чиқиш ҳолати юзага келганлигини кўрсатади.

«Девони ҳикмат» қўлёзмалари ичида энг қадимийси ҳисобланган нусхаси юқорида таъкидланганидек, XVIII асрнинг 2-ярмида кўчирилган. Лекин бу қўлёзмада ҳам, мазкур асарнинг ХУШ асрда кўчирилган бошқа қўлёзмаларида ҳам ҳикматлар тўлиқ берилмаган. Эътибор билан кўчирилган «Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг кўпчилигидан ўрин олган ҳикматлар бу қўлёзмаларда йўқ. Асарнинг эътибор билан саводли хаттотлар томонидан кўчирилган XIX асрга мансуб қўлёзмалари эса тўлиқ, матни қадимий, ҳикматлар миқдори ҳам кўп. Бундай қўлёзмалар сирасига 178, 5716, 3764 сақланиш рақамли нусхалар киради.

Демак, шундай хулосага келиш мумкинки, тошбосма нашрини тайёрловчиноширлар маълум даражада қўлёзмаларни қиёслаб, хатоларини ислоҳ қилган бўлсалар, XIX асрга келиб бу иш қўлёзмаларда тўлдирилган нусха тайёрлаш усулида давом эттирилган. Яъни бу даврда бир эмас, бир неча қўлёзма нусхалари асосида бир қўлёзма кўчирилган.

«Девони ҳикмат»нинг тўлиқ, ҳикматлар миқдори кўп бўлган қўлёзмалари ҳам бор. Улардан бири ЎзФАШИ Ҳамид Сулаймонов фондида 178 сақланиш рақами билан сақланади. Мазкур қўлёзма ҳижрий 1311 (милодий 1983) санада кўчирилган бўлиб, ундан Аҳмад Яссавийнинг 200 та ҳикмати ўрин олган. Албатта, бундай қўлёзмалар тавсифда тўлиқ нусха сифатида қайд этилди.

«Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг аксарияти Қўқон қоғозига турли хил: ўртача, хунук ва ниҳоятда чиройли настаъликда битилган. Тавсиф жараёнида хатнинг ёзилиш даражасига алоҳида эътибор берилди.

Шарқ қўлёзмаларининг кўпида учрайдиган безаклар «Девони ҳикмат» нусхаларида деярли учрамайди. Лекин айрим нусхаларда матн қизил сиёҳ ва тилла суви билан жадвалга олинган ва бу безак ўрнини ўтаган. Бундай қўлёзмалар сирасига 3630, 3562, 3764 ва 5716 сақланиш рақамли қўлёзмалар киради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу қўлёзмаларнинг аксариятининг муқоваси дастлабки босма нақшли Шарқ муқовасидан иборат бўлиб, айримлари эса кейинчалик қилинган чарм муқова.

«Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг кўчирилиш жойи, таърихи, котиби ҳақида қандай маълумот бўлса, айнан берилди. Лекин шуни қайд этиш керакки, «Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг аксариятида кўчирилиш жойи, таърихи кўрсатилмаганидек, хаттотлари ҳам кўрсатилмаган. Айрим қўлёзмаларгина бундан мустасно. Улар қуйидагилар: 4700 сақланиш рақамли қўлёзма ҳижрий 1190 (милодий 1873 йил) санада Мирзо Маҳмуд исмли котиб томонидан кўчирилган. 5716 сақланиш рақамли кўлёзма эса ҳижрий 1298 (милодий 1881 йил) санада мулла Муҳаммад Намонгоний томонидан кўчирилган. 1925 сақланиш рақамли қўлёзма ҳижрий 1994 (милодий 1877 йил) санада Муҳаммад Ниёз Охунд исмли хаттот қалами билан кўчирилган. 1777 сақланиш рақамли қўлёзма ҳижрий 1321 (милодий 1903 йил) санада мулла Ўта Назар қалами билан кўчирилган. 378 сақланиш рақамли қўлёзма эса XIX аср бошларида Абдуғафур ибн домла Абдусаттор ал-Бухорий томонидан китобат қилинган.

Ҳар бир нусханинг илмий хусусиятига баҳо берганда унинг тўлиқлиги, таркиби, саводли кўчирилганлиги назарга олинди. Агар нусха нуқсонсиз бўлса, яъни бош ва охирги варақлари тўлиқ бўлса, бош ва охиридан бир байтдан берилди. Борди-ю, сўнгги варақлари тушган бўлса, фақат бошидан бир байт берилди.

Тавсифда қўлёзмаларнинг китобат хусусиятлари: қоғози, (қаерники, сифати, ранги), сиёҳи (ранги), матнининг жойланиш усули (неча устунли, сатрлар сони, нақш усулидами), безаги (нақш, жадвал), муқоваси (дастлабки ёки кейинги, безаги, материали, саҳҳоф ёзуви) ҳам берилди.

Қўлёзмаларнинг ҳозирги ҳолати, сақланиш ҳолати, таъмирланганми, йўқми, нуқсони ҳам қайд этилди. Варақлар сонини беришда нусханинг бошланиш варағидан сўнгги варағигача ҳисобланди. Матн ва қўлёзма ўлчами алоҳида-алоҳида, эни ва бўйига сантиметр ҳисобида берилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тавсиф жараёнида пойгирлар, муҳрлар эътибордан четда қолмади.

"Девони ҳикмат" қўлёзмаларининг шундай нусхалари ҳам борки, улар араб ва форс тилидаги асарлардан олинган парчалар билан бирга кўчирилган. Мазкур асарлардан олинган парчаларнинг номлари қўлёзмада кўрсатилмаганлиги сабабли тавсиф жараёнида "араб тилидаги асар" ёки "форсий асар" тарзида берилди.

Яна шу жараёнда асар номининг чап томонига қўйилган рақам каталогда қўлёзманинг тавсиф тартиби сифатида берилди. Асар номининг ўнг томонига қўйилган рақам эса шу нусханинг сақланиш рақамини кўрсатади.

Шунингдек, «Девони ҳикмат» қўлёзмаларининг Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган айрим нусхалари бугунги кунда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланмоқда. Бундай қўлёзмалар сирасига 178 ва 521 рақам остида сақланаётган «Девони ҳикмат» нусхалари киради.

ЎзФАШИнинг ҳар икки фондида сақланаётган «Девони ҳикмат» қўлёзмалари каталог ҳолида жамоатчиликка илк бор тақдим этилмоқда.

Шунинг учун у Аҳмад Яссавий мероси, унинг мактаби шоирлари ижодини манбашунослик ва матншунослик йўналишида олиб бориладиган тадқиқотларга асос бўлиб, хизмат қилади, деган умиддамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамид Сулаймон фондида сақланаётган «Девони ҳикмат» қўлёзмалари тавсифи

1. دیوان حکمت 1733

## «Девони ҳикмат»

«Девони ҳикмат» машҳур мутасаввиф шоир Аҳмад Яссавий асаридир. Асар сўфиёна руҳдаги шеърлар - ҳикматлардан иборат.

Бу қўлёзма асарнинг нотўлиқ нусхаларидан биридир. Бош варақлари тушган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан келган 20 та ҳикматдан иборат.

Яссавий ҳикматлари сўнгида Қул Сулаймон, Шаҳдий, Шайдо каби шоирлар шеърлари ҳамда «Анушервон ва Хотамбой қиссаси» ҳам ушбу қўлёзмадан ўрин олган.

Бошланиши:

أي كونكل عمر اوتدي بردم بنده ليكده بولمادينك

ظلمی بو قهر اوینده هیچ یراغینك قیلمادینك

Охири

قل خواجه احمد ايغيل ايمدي خواجه يادي

كيجه كوندوز تينماي ايغيل الله يادي

Нусханинг кўчирилиши таърихи ҳижрий 1214 сана.

Котиби кўрсатилмаган.

Пойгирлар ҳамма варақларда бор.

Оқ ипак Қўқон қоғози.

Қора сиёҳ билан битилган хунук настаълиқ хати.

Матн ҳар саҳифада 11 йўлли икки устунда жойлашган.

Муқоваси уринган, Шарқ муқоваси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлёзма таъмирланган бўлишига қарамай, сuюқлик етказган шикаст натижасида хат ё ўчиб кетган ё суркалиб кетган. Ёмон сақланган.

Варақлар сони - 124. Матн ўлчови - 11 x 17,5. Қўлёзма ўлчови-13x19,5.

2. Яна ўша 4190

Оддий нусхалардан бири.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 40 та ҳикмат ҳамда Қул Сулаймон, Навоий, Машраб, Мужрим ва Гулшанийлар шеърларидан иборат.

Бошланиш варағи тушган.

Бошланиши

حق مصطفى جبريلدين قيلدي سوال

بو نجوك روح تنكا كيرماي تابتي كمال

Охири

تورت مينك تورت يوز حكمت ايديم حقد ين فرمان

فرمان بولسه تا أولكونجه سوزلاسام من

Нусханинг кўчирилиши таърихи ҳижрий 1221 йил. Кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак Қўқон қоғози.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган. 2 хил: чиройли ва ўртача настаъликда битилган. Матн ҳар саҳифада 9 йўлли бир устундан жойлашган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Таъмирланган. Уринган варақлар ҳам бор.

Варақлар сони - 1616. Матн ўлчови - 9x19. Қўлёзма ўлчови-14,4x27,5

3. Яна ўша 4171

Оддий нусхалардан бири. Охирги варақлари тушган.

Таркиби: Яссавийнинг 57 та ҳикмати ўрин олган.

Девон



www.ziyouz.com kutubxonasi

بسم الله دیب بیان ایلای حکمت ایتیب

طالب لارکا در کوهر ساجتیم منا

мисралари билан бошланади.

Нусханинг кўчирилиш таърихи ҳижрий 1228 сана. Кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ. Тушиб қолган сатрлар ҳошияга тузатилган.

Ҳамма варақларда пойгирлар бор.

Новвотранг, шилдироқ Қўқон қоғози.

Қора, сариқ ва қизил сиёҳда ёзилган ўртача настаълиқ хати.

Матн ҳар саҳифага 11 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси. Муқова устига: عمل محمد صحاف деб ёзилган.

Қўлёзманинг баъзи варақларига суюқлик етказган шикастни айтмаганда, яхши сақланган.

Варақлар сони - 103. Сатр ўлчови - 9х17. Қўлёзма ўлчови - 14,5х26,5.

4. Яна ўша 3066

Оддий нотўлиқ нусхалардан бири. Сўфи Оллоёрнинг «Саботу-л-ожизин» асари билан бирга кўчирилган. Охирги варақлари тушган.

Таркиби: Яссавийнинг 4 та ҳикматидан иборат.

Бошланиши

اون سکیز مینك عالمده نالان بولغان عاشقلار

تابمای معشوق سوراغین سرسان بولغان عاشقلار

Нусханинг кўчирилиш таърихи ҳижрий 1232 сана.

Ҳамма варақларда пойгирлар бор.

Оқ ипак Шарқ қоғози.

Матн қора сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада 11 йўлли бир устундан жойлашган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлёзма уринган, варақлар бир-бирига ёпишиб кетган, уларни ажратганда ёки йиртилган, ёки хати ўчиб кетган. Бундан ташқари уларга сиёҳ ва қаламда чизиб ҳам ташланган.

Варақлар сони - 93. Матн ўлчови - 10х20,5. Қўлёзма ўлчови - 15х25,5

5. Яна ўша 829

«Девони ҳикмат»нинг эътиборли нусхаларидан бири.

Таркиби: Яссавийнинг 71 ҳикмати.

Бошланиши

تعالی الله عاشق لارکه بیردي عشقین

شاکر بولوب اورتاب کویوب یاندیم منا

Охири

احمد مسکین کیل ایمدي توبه برلان یولغه کیر

توبه قیلغان بنده سین جنت ده سلطان ایلادي

Нусханинг кўчирилиш таърихи ҳижрий 1240 сана. Асарнинг кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Ҳамма варақларда пойгирлар бор.

Сариқ ипак Шарқ қоғози.

Матн қора сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада 19 йўлдан икки устунда жойлаштирилган.

Муқова кейинги давр иши, картондан ишланган.

Баъзи варақларга суюқлик етказган шикастни айтмаганда, қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 44. Матн ўлчови - 8х16.

Қўлёзма ўлчови-12,5х23.

6. Яна ўша 4943

Оддий нусхалардан бири. Андалиб шеърлари ва «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси билан бирга кўчирилган. Бош қисмидаги варақлар йўқ.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 53 ҳикматдан иборат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Девон

حال تيلين هجكيم بيلمس تنكريم كواه

قانلار يوتوب من هم كواه بولدوم منا

мисралари билан бошланади.

Охири

ضعيف قلنى ارزوسيدور دارالسلام

عاشق دار السلام كيرسه بولس

Қўлёзма ҳижрий 1241 санада китобат қилинган. Асарнинг кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Ҳамма варақларда пойгирлар бор.

Қалин Қўқон қоғози.

Матн хунук настаълиқ хати билан қора сиёҳда ёзилган. Айрим варақларга сарлавҳа қўйилган, айримларига қўйилмаган. Матн ҳар саҳифада 13 йўлдан, бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзмани китоб ҳолига келтиришда тартибга риоя қилинмаган, ҳикматлар ҳар хил жойга жойлаштирилган. Қисса, унинг ўртасида ҳикматлар, кейин яна қиссанинг давоми берилган.

Қўлёзма анча уринган.

Варақлар сони - 1466. Матн ўлчови - 9,5x17 Қўлёзма ўлчови - 12x19,5.

7. Яна ўша 1322

Нотўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон шеърлари, «Биби Фотима» қиссаси, «Машраб қиссаси» ва «Маҳшарнома» билан бирга китобат қилинган. Охирги варақлари тушган.

Таркиби: Яссавийнинг 3 та ҳикматидан иборат.

Бошланиши

توتونك بنديمنى أي دوستلار زمانى بولمانكيز غافل

اولومنى ياد ايتيب هر دم يراغينك قيل ايا غافل

Қўлёзма ҳижрий 1248 санада кўчирилган. Унинг кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матндан тушиб қолган сўз ва сатрлар ҳошияга ёзиб, тўлдирилган.

Пойгирлар бор.

Қўлёзма сариқ ипак қоғозга битилган.

Матн қора сиёҳ билан хунук настаъликда ёзилган бўлиб, ҳар саҳифада 11 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма ёмон сақланган, айрим варақларга суюқлик шикаст етказган.

Таъмирланган.

Варақлар сони - 153. Матн ўлчови -9,5x18,5. Қўлёзма ўлчови-13x22,5.

8. Яна ўша 4119

Оддий нусхалардан бири. Яссавий ҳикматлари «Муҳаммад пайғамбар қиссаси», «Абу Бакр қиссаси» билан бирга кўчирилган.

Бошланиш варақлари тушган.

Таркиби: Яссавийнинг 49 ҳикматидан иборат.

Бошланиши

داد ایتسام حقه دادیم یتارموکین

کوکسومدکی زنکارلاریم کیتارموکین

Охири

کناهنکنی سبك قیلیب انده اوجکیل

عاشقلاری اوجماح ایجوه کیرار ایرمیش

Қўлёзма ҳижрий 1273 санада кўчирилган. Асарнинг кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Матндан тушиб қолган сатрлар ҳошияга ёзиб, тўлдирилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳ билан ўртача настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада 14 йўлдан икки устундан жойлаштирилган. Сарлавҳа йўқ, лекин унга жой ташлаб кетилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқоваси оддий, безаксиз Шарқ муқоваси бўлиб, кейинги давр иши.

Қўлёзмага суюқлик шикаст етказган, баъзи варақлари йиртилган.

Таъмирланган.

Варақлар сони - 164. Матн ўлчови- 9,5x18,5. Қўлёзма ўлчови-15x2,5.

9. Яна ўша 3630

Оддий нусхалардан бири. Бошланиш варақлари тушган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 52 та ҳикматдан иборат.

Девон

سحر وقتده قوبوب یغلاب ناله ایلا

نالشنکدین یرو کوکلار نوا قیلسون

мисралари билан бошланада.

Охири

قل خواجه احمد کان اجق درکوهرنی ساجق

تینکلاماغان بو سوزنی غفلت اجینده کوردیم

Қўлёзма ҳижрий 1277 санада кўчирилган. Кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Матндан тушиб қолган сатрлар ҳошияга ёзиб, тўлдирилган.

Ҳамма варақларда пойгирлар бор.

Оқиш, Қўқон қоғози.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли бўлмаган насталиқда битилган бўлиб, ҳар саҳифада икки устунда 11 йўлдан жойлаштирилган.

Қўлёзманинг бошланиш ва охирги варағига чиройли, тилла суви югуртирилган жадвал ишланган, лекин шу жадвал ишланган варақлар очиқ қолган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма уринган, айрим варақ ҳошияларига ҳар хил сўзлар ёзиб ташланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таъмирланган.

Варақлар сони - 37. Матн ўлчови - 9х17. Қўлёзма ўлчови - 13,5х22,5.

10. Яна ўша 3929

Оддий нусхалардан бири. «Пайғамбарлар қиссаси» билан бирга китобат қилинган. Бошланиш варақлари тушган.

Таркиби: Яссавийнинг 32 ҳикматидан иборат.

Девон

محبت نینك دریاسیغه جوماغونجه

أي دوستلاریم عشق كوهرین آلسه بولماس

мисралари билан бошланади.

Охири

تریك یوركان اولماي كوركا كیردي ایرسه

دید ار كوروب جین اولكاندور دوستلاریما

Қўлёзманинг кўчирилиш таърихи ҳижрий 1279 сана. Кўчирилиш жойи ва котиби номаълум.

Матндан тушиб қолган сатрлар ҳошияга ёзилган.

Пойгирлар бор.

Оқ ипак Шарқ қоғози.

Матн қора, сарлавҳалар оддий настаълиқ хати билан қизил сиёҳда ёзилган. Матн ҳар саҳифада бир устунда 13 йўлдан жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 152. Матн ўлчови - 9х17,5. қўлёзма ўлчови 14х16,5

11. Яна ўша 2886

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Яссавий йўлида ижод этган шоирлар шеърлари ва Ҳувайдо шеърлари билан бирга китобат қилинган.

Бошланиш ва охирги варақлари тушган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матннинг бошланиши

ایا دوستلار قیامت نی بیان ایلای

قیامت نی کونی ناکه اتار ایرمیش

Охири

خدایغه یقین دور خواجه احمد

رسول فرزندید ور اولاد احمد

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 82 ҳикматдан иборат.

Қўлёзма ҳижрий 1290 санада кўчирилган. Кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Пойгирлар бор.

Қогози икки хил: Ҳикматлар ёзилган қисми шалдироқ, новвотранг Қўқон қоғози, қолган қисми эса фабрика қоғози.

Хати ҳам икки хил: чиройли ва ўртача настаълиқ хатида битилган бўлиб, матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда. Айрим варақларга сарлавҳа қўйилган, айримларига сарлавҳага жой ташлаб кетилган. Матн 17 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма уринган, асар муқовадан кўчиб кетган. Айрим варақларга суюқлик шикаст етказган. Матнда ҳам камчиликлар бор: ҳар бир ҳикматнинг бошидан бир ё икки мисра тушириб кўчирилган.

Варақлар сони - 246. Матн ўлчови - 9х17,5. Қўлёзма ўлчови - 14х27.

12. Яна ўша 2124

Бу қўлёзмада Яссавийнинг қуйидаги мисралар билан бошланувчи биттагина ҳикмати бор:

هشت دوزخ تلاشور تلاشماکده زیان بار

دوزخ ایتور من آرتوق منده فرعون هامان بار

..omiy nomli
T D . U
...xonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

13. Яна ўша 6857

Оддий нусхалардан бири. Машраб шеърлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 54 та ҳикматдан иборат.

Бошланиши

حق سرینی بیان قیلسام عاشق لارکا

طاقت قیلمای باشین آلیب کیتار دوستلار

Охири

قل خواجه احمد غافل من غافل لیغیم بیلیب من

ایزیم ایتور رحیم من روزي قیلور بو قرآن

Нусха ҳижрий 1294 санада кўчирилган. Кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ. Матндан тушиб қолган сўзлар ҳошияга тузатлган.

Пойгирлар бор.

Қоғозлар икки хил: сариқ ипак ва фабрика қоғози. Матн қора, сарлавҳалар сариқ ва жигар ранг сиёҳда оддий настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада 11 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Баъзи варақларга суюқлик етказган шикастни айтмаганда, қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 106. Матн ўлчови - 9x19,5. Қўлёзма ўлчови- 15x27.

14. Яна ўша 471

Оддий нусхалардан бири. Яссавий йўлида ижод этган кўпчилик шоирлар асарлари билан бирга китобат қилинган.

Таркиби. Яссавийнинг 34 ҳикматидан иборат.

Бошланиши

ایا دوستلار باك عشقینی قولغه آلدیم

بو دنیانی د شمن توتوب آرقه سالدیم



www.ziyouz.com kutubxonasi

Охири

و الله بالله راست ایتیب شك قیلمسموسن

امت بولسه سنت توتوب قان یغلاسون

Қўлёзма ҳижрий 1299 санада кўчирилган. Кўчирилган жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида кўчирилган ва ҳар саҳифада 11 йўлдан бир устунда жойлаштирлган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 160. Қўлёзма ўлчови - 15х27. Матн ўлчови - 9,5х17,5

15. Яна ўша 2388

Оддий нусхалардан бири. «Шоҳ Машраб қиссаси», «Бобо Равшан», «Пайғамбар меърожномаси» ва «Али қиссаси» билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавийнинг 3 та ҳикматидан иборат.

Бошланиши

مناجات ایلادي مسکین خواجه احمد

الهی قیل همه بند نکنی رحمت

Охири

قل خواجه احمد مسکین کیل توبه بیلان یولغه کیر

توبه قیلغان بنده ی جنت ده سلطان ایلادي

Қўлёзма ҳижрий 1302 санада кўчирилган. Кўчирилган жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ. Кўлёзма охирига оддий қора қалам билан عالم خواجه ایشان روز جهارشنبه деб ёзилган. Бу ҳар ҳолда, котибнинг исми бўлмаса керак, чунки матн қора сиёҳда ёзилган. Афтидан, китоб эгасининг исми бўлиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пойгирлар бор.

Турли рангдаги фабрика қоғози.

Матн қора сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида кўчирилган ва ҳар саҳифада 9 йўлдан бир устунли жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси, фақат бир томонда.

Қўлёзманинг бош ва айрим варақлари йиртилган. Шунга қарамай, у яхши сақланган.

Варақлар сони - 297. Матн ўлчови - 7,5x14. Қўлёзма ўлчови - 12,3x20,5

16. Яна ўша 433

Оддий нусхалардан бири.

Таркиби: Яссавийнинг 66 та ҳикматидан иборат.

Бошланиши

بسم الله دیب بیان ایلای حکمت ایتیب

طالب لارکا در کوهر ساجتیم منا

Охири

سحر وقتی خوش ساعت هم جنت ایرور راحت

تنکریغه قیل عبادت سحر وقتی ایجنده

Қўлёзманинг кўчирилиш таърихи ҳижрий 1327 сана. Кўчирилган жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Пойгирлар бор.

Оқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида кўчирилган ва ҳар саҳифада 12 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган, лекин айрим варақларга қора қалам билан чизиб ташланган. Ҳошияда шундай муҳр бор:

№6

способина

ОПК о Ф

Варақлар сони - 135. Матн ўлчови - 11, 5x18,5. Қўлёзма ўлчови 17x23,3.



www.ziyouz.com kutubxonasi

17. Яна ўша 178

Энг катта ҳажмли, эътиборли нусхалардан бири. Яссавий мактаби шоирлари шеърлари, Машраб, Муҳйи, Фузулий, Хаёлий, Нисбат Ризойи ва Эшон Жазбийлар шеърлари билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 200 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

بسم الله ديب بيان ايلاي حكمت ايتب

طالب لاركا در كوهر ساجتيم منا

Охири

منكر نكير سواليغه يتماكايدي

قل خواجه احمد جانی بلان قجان بيلسه

Қўлёзма ҳижрий 1311 санада кўчирилган. Кўчирилган жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Қўлёзма ҳошияларига матндан тушиб қолган сўз ва сатрлар ёзилган.

Ҳамма варақларда пойгирлар бор.

Оқиш, шалдироқ Қўқон қоғози.

Матн қора, сарлавҳалар асар ярмигача қизил сиёҳда ёзилган.

Хати икки хил: асарнинг ярмидан кўп қисми чиройли настаълиқ хатида, қолган қисми ўртача настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада 15 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Айрим варақлардаги матн нақш усулида битилган, айрим варақлардаги матн орасига қизил сиёҳда безаклар қилинган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Нусханинг 2б ва 3 а варағи четидан йиртилган.

Таъмирланган.

Варақлар сони 520. Матн ўлчови - 11,5x16,5. Қўлёзма ўлчови 15x27.



www.ziyouz.com kutubxonasi

18. Яна ўша 3091

Оддий нусхалардан бири. «Пайғамбарлар тарихи» билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 25 та ҳикматидан иборат.

Бошланиши

بسم الله دیب بیان ایلاي حکمت ایتیب

طالب لارکا در کوهر ساچتیم منا

Охири

قل خواجه احمد اول عیال ایرور مونده کوب خیال

عاشق لارنینك دردیکا دارو درمان کلید

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва кўчирилган жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан нусхани X1X асрнинг иккинчи ярмига нисбат бериш мумкин.

Пойгирлар бор.

Оқиш, Шарқ қоғози.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда хунук настаълиқ хатида битилган бўлиб, ҳар бир ҳикматнинг биринчи байти ҳам қизил сиёҳда ёзилган. Ҳар саҳифада икки устунли 12 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма анча уринган, матнга ҳам шикаст етган.

Қўлёзманинг бош ва сўнгги варақлари тушган.

Варақлар сони -117. Матн ўлчови 11х20. Қўлёзма ўлчови - 14,5х26

19. Яна ўша 2389

Оддий нусхалардан бири. Қул Сулаймон ва Машраб шеърлари билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 84 та ҳикматдан иборат.

Бошланиши

بسم الله دیب بیان ایلاي حکمت ایتیب

طالب لارکا در کوهر ساچتیم منا



www.ziyouz.com kutubxonasi

Охири

قل خواجه احمد عمرونك اوتی بازي برله

فنا بولوب عشق مقامین بیلدیم منا

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Уни X1X асрнинг иккинчи ярмига нисбат бериш мумкин.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, ҳар саҳифада бир устунли 13 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган, муқова фақат бир томонда бор.

Варақлар сони - 264. Матн ўлчови- 8,5x16,5. Қўлёзма ўлчови- 14,5x25,5

20. Яна ўша 2807

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Азим Хўжа Эшон шеърлари ва «Исмоил пайғамбар қиссаси» билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 5 та ҳикматидан иборат.

Бошланиши

عامی جاقی ترسا جهود فعل خوي

رحمان ایکام ارا یولده قالدیم منا

Охири

بیخبرلار ایشیتماس لار داد فریاد

قان یغلاغیل حق ایشیتسون برورد کار

Қўлёзманинг кўчирилиш таърихи, котиби ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрда кўчирилган.

Матндан тушиб қолган сатрлар ҳошияга ёзилган.

Пойгирлар бор.

Оқ ипак қоғоз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матн қора сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида битилган бўлиб, ҳар саҳифада 19 ёки 11 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Муқоваси чармдан қилинган бўлиб, кейинги давр иши.

Анча уринган, таъмирга муҳтож.

Қўлёзманинг бош ва сўнгги варақлари тушган.

Варақлар сони - 126. Матн ўлчови - 10,5х21. Қўлёзма ўлчови- 16,5,х27.

21. Яна ўша 6009

Оддий нусхалардан бири. Яссавий мактаби шоирлари шеърлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 34 ҳикмат.

Девон

ایتاي سیزکا دوستلاریم کیملار کیلیب کیتکوسی

مسلمان لار کونکلیدین مهر شفقت کیتکوسی

байти билан бошланади.

Нусханинг котиби, кўчирилиш таърихи ва кўчирилган жойи ҳақида маълумот йўқ. Уни Х1Х асрнинг иккинчи ярмига нисбат бериш мумкин.

Ҳошияга матндан тушиб қолган мисралар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида битилган бўлиб, ҳар саҳифада 13 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Қўлёзма уринган, суюқлик анча шикаст етказган. Охири йўқ. Муқова йўқ.

Варақлар сони - 67. Матн ўлчови - 11х17. Қўлёзма ўлчови-15,5х20,5.

22. Яна ўша 1338

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон, Машраб, Сайқалий, Эшон Баҳоуддин шеърлари ва «Вафотномаи Муҳаммад» билан бирга кўчирилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 12 ҳикматдан иборат.

Девон

حقه یانیب مؤمن بولسنك طاعت قیلغیل

طاعت قیلغان حق دیدارین کورار دوستلار

мисралари билан бошланади.

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX аср охирида китобат қилинган.

Пойгирлар бор.

Оқ ипак Қўқон қоғози.

Матн қора сиёҳ билан ёзилган. Айрим варақда қизил сиёҳ билан сарлавҳа қўйилган, айримларига сарлавҳа учун жой ташлаб кетилган.

Хунук настаълиқ хати. Ҳар саҳифада 11 ёки 14 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Муқова кўк картондан ишланган бўлиб, кейинги давр иши.

Қўлёзма уринган. Бош ва сўнгги варақлари тушган.

Варақлар сони - 111. Матн ўлчови - 9x17. Қўлёзма ўлчови - 14x26,5

23. Яна ўша 515

Оддий, нисбатан тўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон ва Васфий шеърлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 114 та ҳикматдан иборат.

Бошланиши

اوشل توبی معراج جیقیب دیدار کوردي

اندین سونکره غریب فقیر حالین سوردي

Охири

خواجه سندین خوشنود بولغاي هم قیشو یاز

عمرونك اوتی تانك آتیب باتار بولدي



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан уни XIX асрга нисбат бериш мумкин.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ўртача настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада 17 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма таъмирланган, лекин айрим варақларга суюқлик шикаст етказган. Бош вараги тушган.

Варақлар сони - 328. Матн ўлчови - 7x13,5. Қўлёзма ўлчови 16x17.

24. Яна ўша 6992

Оддий нусхалардан бири. Қул Сулаймон, Қул Убайдий, Қул Темурий ва Шамсиддинлар шеърлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 41 ҳикматидан иборат.

Бошланиши

بسم الله ديب بيان ايلاي حكمت ايتيب

طالبلاركا در كوهر ساچتيم منا

Охири

توبماي قالديم اجل كيليب يقام توتى

توبو اليك اوقوي اولسام موكين

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Уни XIX асрга нисбат бериш мумкин.

Ҳошияга матндан тушиб қолган сўзлар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан оддий настаъликда битилган бўлиб, ҳар саҳифада бир устунли 11 йўл.

Айрим варақдаги ёзувни ўчганини ҳисобга олмаганда, қўлёзма яхши сақланган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Варақлар сони - 113. Матн ўлчови -9,5х16,5. Қўлёзма ўлчови-15,5х27,5.

25. Яна ўша 2596

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Яссавий мактаби шоирлари шеърлари ва «Имом Ҳасан ва Ҳусайн қиссаси» билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 15 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

أي بيخبر حق يوليده اولماسمو سن

مونده يغلاب آخرتده كولمسموسن

Охири

يا الهيم روزي قيلسه معنى آلغيل

معنى سوروب معنى آلغان جين قل بولور

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX аср ўрталарига нисбат бериш мумкин.

Қўқон қоғозига матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан оддий настаъликда ёзилган. Ҳар саҳифада бир устунли 13 йўл.

Муқоваси чармдан ишланган бўлиб, кейинги давр иши.

Айрим варақларга суюқлик етказган шикастни айтмаганда, қўлёзма яхши сақланган. Лекин кўп ҳикматларнинг боши ва охири йўқ.

Бошланиш варақлари тушган.

Таъмирланган.

Варақлар сони - 184. Матн ўлчови - 10х19. Қўлёзма ўлчови-15,5х27.

26. Яна ўша 6450

Оддий нусхалардан бири. Азим Хўжа Эшон ҳикматлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 69 та ҳикматидан иборат.

Девон



www.ziyouz.com kutubxonasi

قل هوالله سبحان الله ورد ايلاسام

بير و باريم ديدارينكنى كورارمنمو

мисралари билан бошланади.

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрнинг иккинчи ярмига нисбат бериш мумкин.

Пойгирлар бор.

Турли рангдаги фабрика қоғозига қора сиёҳ билан оддий настаъликда ёзилган.

Ҳар саҳифада бир устунли 12 йўл.

Муқоваси картондан ишланган бўлиб, кейинги давр иши.

Қўлёзма уринган, суюқлик шкастланган. Бошланиши ва сўнгги варақлари тушган. Китоб ҳолига келтиришда тартибга риоя қилинмаган.

Таъмирланган.

Варақлар сони - 156. Матн ўлчови - 11,5x17,5. Қўлёзма ўлчови - 14x25.

27. Яна ўша 6060

Оддий нусхалардан бири.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 56 та ҳикматдан иборат.

Девон

حق تعالى برتو سالدي جانيم كويدي

كيلينك يغيلينك ذاكر قل لار ذكر ايتالوك

мисралари билан бошланади.

Қўлёзма ҳижрий 1287 санада кўчирилган. Кўчирилиш жойи ва котиби ҳақида маълумот йўқ.

Пойгирлар бор.

Оқ ипак қоғоз

Матн қора сиёҳ билан, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида кўчирилган ва ҳар саҳифада 13 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Айрим уринган варақларни ҳисобга олмаганда, қўлёзма яхши сақланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқоваси йўқ, асар оқ қоғозга олиниб, шу қоғоз муқова ўрнини ўтаган.

Қўлёзманинг бош ва сўнгги варақлари тушган.

Варақлар сони - 123. Матн ўлчови-9х16,5. Қўлёзма ўлчови-15х25.

28. Яна ўша 1717

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. «Санавбар» ва «Шоҳ Машраб» қиссалари билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавийнинг 2 ҳикматидан иборат.

Девон

کیل أي مؤمن بو غفلت دین جقیل خاری

ایذیم شوقي مؤمن لارنی قویمس ایرمیش

байтн билан бошланади.

Қўлёзма ҳижрий 1273 санада кўчирилган. Котиби ва кўчирилган жойи ҳақида маълумот йўқ.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида кўчирилан ва ҳар саҳифада 15 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма уринган.

Тиклаш мумкин бўлган жойлари таъмирланган.

Варақлар сони - 193. Матн ўлчови - 11х16. Қўлёзма ўлчови - 15х26.

29. Яна ўша 412

Оддий, нисбатан тўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон, Шамс ва Иброҳим Адҳам шеърлари ҳамда «Қиёматнома» асари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 133 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

زمانه آخر بولسه ایا دوستلار

تورلوك تورلوك بلالري قوبار ایرمیش



www.ziyouz.com kutubxonasi

Охири

باشدین اياق من بنده ی رحم ايلا من شرمنده ی

سلطان خواجه احمد یسوي حق بولیده اولمسمو سن

Қўлёзма ҳижрий 1282 санада кўчирилган. Кўчирилган жойи ва котиби номаълум.

Ҳошияга матндан тушиб қолган сўзлар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида кўчирилган ва ҳар саҳифада 15 йўлдан икки устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма уринган. Баъзи варақлар ярмидан йиртилган.

Таъмирланган.

Варақлар сони - 177. Матн ўлчови - 9,5x19,5. Қўлёзма ўлчови - 13x25,2.

30. Яна ўша 3602

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири.

Таркиби: Яссавий таҳаллуси билан ёзилган 22 та ҳикматдан иборат.

Бошланиши

بسم الله دیب بیان ايلاي حكمت ایتیب

طالب لارغه در کوهر ساجتیم منا

Охири

معرفت ده تفراق بولوب فنا بولغيل

فنا فی الله مقامیغه کیردیم منا

Қўлёзма ҳижрий 1290 йилда кўчирилган. Котиби ва кўчирилган жойи ҳақида маълумот йўқ.

Ҳошияга матндан тушиб қолган мисралар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан оддий настаъликда ёзилган, айрим варақларда сарлавҳаларга жой ташлаб кетилган. Ҳар саҳифада 11 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 69. Матн ўлчови - 10x17. Қўлёзма ўлчови - 14,5x26,5.

31. Яна ўша 4163

Оддий нусхалардан бири. Бу мажмуа асар бўлиб, Қул Сулаймон, Машраб, Ҳувайдо, Маҳзун, Жомий, Фузулий, Залилий ва Умархонлар шеърлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 40 та ҳикматдан иборат.

Қўлёзманинг кўчирилиш таърихи ҳижрий 1315 сана. Котиби ва кўчирилган жойи номаълум.

Ҳошияга матндан тушиб қолган сўзлар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Бошланиши

بسم الله دیب بیان ایلاب حکمت ایتیب

طالب لارکا در کوهر ساچتیم منا

Охири

دفتر قیلیب خلق لار ارا ایدي موني

ایشیتکاندین دعا طمع قیلار ایرمیش

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил ва сариқ сиёҳда битилган бўлиб, икки хил: чиройли ва хунук настаълиқ хати.

Матн ҳар саҳифада 13 йўлдан икки устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, безаксиз Шарқ муқоваси.

Айрим варақларга суюқлик етказган шикастни ҳисобга олмаганда, қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 100. Матн ўлчови - 11x16. Қўлёзма ўлчови 15x26.



www.ziyouz.com kutubxonasi

32. Яна ўша 521

Оддий нусхалардан бири. Яссавий издошлари шеърлари, арабий ва форсий асар билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 63 ҳикматдан иборат.

Девон

بسم الله ديب بيان ايلاي حكمت ايتيب

طالبلارگا در گوهر ساچتيم منا

байти билан бошланади.

Қўлёзма ҳижрий 1322 санада китобат қилинган. Котиби ва кўчирилган жойи ҳақида маълумот йўқ.

Қоғози икки хил: оқ ипак ва фабрика қоғози.

Матн қора сиёҳ билан икки хил: чиройли ва хунук настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, ҳар саҳифада 15 йўлдан бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Асар муқовадан чиқиб кетган.

Охирги варақлари тушган.

Варақлар сони - 242. Матн ўлчови - 9,5х18,5. Қўлёзма ўлчови-12.5х24,5

33. Яна ўша 3658

Нотўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон, Машраб шеърлари, «Биби Фотима», «Ҳасан ва Ҳусайн», «Имом Аъзам» ва «Иброҳим» қиссалари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 2 ҳикматидан иборат.

Девон

كل من عليها فان آيتينده

بر خدادين اوزگا مخلوق اولار ايرميش

байти билан бошланади.

Қўлёзманинг кўчирилиш таърихи, котиби ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан Х1Х асрнинг иккинчи ярмига мансуб.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ёзилган оддий настаълиқ хати.

Матн ҳар саҳифада 11 йўлли бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Уринган, айрим варақлар бир-бирига ёпишиб қолган, уларни ажратганда ёки йиртилган ёки хати ўчиб кетган. Сўнгги варақлари тушган.

Варақлар сони - 142. Матн ўлчови - 11x16. Қўлёзма ўлчови - 15x26.

34. Яна ўша 6213

Оддий нусҳалардан бири. Қул Сулаймон ва Шамснинг шеърлари билан аралаш кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 29 ҳикматдан иборат.

Девон

مناجات ايلادي مسكين خواجه احمد

الهى قيل همه بندنكي رحمت

байтлари билан бошланган.

Охири

روز محشر شفقت قيليب آلغاي

يول ادا شسه هادي بولوب يولغه سالغاي

Нусханинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрга мансуб.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан бадхат настаълиқ хатида ёзилган.

Матн ҳар саҳифада бир устунда 13 йўлдан жойлаштирилган.

Кейинчалик қилинган картон муқова.

Қўлёзма уринган, айрим варақлар хати ўчиб кетган.

Таъмирланган.

Варақлар сони - 84. Матн ўлчови - 9,5x18. Қўлёзма ўлчови 15x25,5



www.ziyouz.com kutubxonasi

35. Яна ўша 2471

Оддий нотўлиқ нусхалардан бири. Яссавий издошлари шеърлари ва "Муҳаммад пайғамбар қиссаси" билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавийнинг 12 ҳикматидан иборат.

Бошланиши

عاقل ایرسنك ایران لارغه خذمت قیلغیل

امر معروف قیلغان لارغه رحمت قیلغیل

Охири

رحمی کیلسه رحم ایتیب رحم قیلغای

خواجه قلنی هرکز ضایع قویمس بولور

Нусханинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрга мансуб.

Оқиш, қалин, дағал Қўқон қоғози.

Матн қора сиёҳ билан бадхат настаълиқ хатида битилган бўлиб, ҳар саҳифада 13 йўлли бир устунда жойлаштирилган.

Дастлабки, чарм муқова.

Уринган.

Варақлар сони - 266. Матн ўлчови - 7x12,5. Қўлёзма ўлчови-10,5x18.

36. Яна ўша 714

Оддий нусхалардан бири. Қул Сулаймон, Убайдий ва Шамснинг ҳикматлари ҳамда «Баҳром ва Гуландом», «Қиссаи Ферузшоҳ», «Тазкираи шоирон» асарлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 67 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

بسم الله دیب بیان ایلاب حکمت ایتیب

طالب لارغه در کوهر ساچتیم منا



www.ziyouz.com kutubxonasi

Охири

مرادینکنی آخر بیرور برورد کار

دوستلار منی خواجه بندم دیکایمو کین

Нусханинг котиби, кўчирилиш таърихи, жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишдан XIX асрнинг иккинчи ярмига мансуб.

Ҳошияга матндан тушиб қолган сўзлар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда хунукроқ настаълиқ хатида битилган бўлиб, ҳар саҳифада икки устунли 13 йўлдан жойлаштирилган.

Қизил сиёҳ билан жадвал ишланган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 324. Матн ўлчови - 9x18. Қўлёзма ўлчови-14x26,5.

37. *Яна ўша* 3457

Оддий нусхалардан бири. «Али қиссаси» билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 40 ҳикмати.

Бошланиши

سنکا خبر یراتغانغه یالبارمادینک

درکاهیکا ناله قیلیب یغلامادینک

Нусханинг котиби, кўчирилган жойи ва таърихи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрнинг бошига мансуб.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Қора сиёҳ билан ёзилган чиройли настаълиқ хати. Матн ҳар саҳифада 11 йўлли икки устунда жойлашган. Сарлавҳага жой ташлаб кетилган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган, лекин айрим варақлар хати суркалган.

Бош ва сўнгги варақлари тушган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Варақлар сони - 58. Матн ўлчови - 8х12,5. Қўлёзма ўлчови-11х18,5.

38. Яна ўша 4398

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Машраб ғазаллари ҳамда «Маликаи Хўбон ва Адҳам қиссаси» билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавийнинг 7 ҳикматидан иборат.

Бошланиши

حق ذکرینی کیجه کوندوز درد ایلامالی

ایا دوستلار اوز حالیمغه جفا قیلدیم

Охири

خواجه احمد حمیده محبت نی شرابی

عاشق لارکا شول میدین مراد ینجه بیردیم منا

Нусханинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрнинг ўрталарига мансуб.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Қора ва қизил сиёҳ билан ёзилган оддий настаълиқ хати. Матн ҳар саҳифада 9 йўлли бир устундан жойлашган.

Кейинчалик чарм муқова қилинган.

Жуда уринган, деярли барча варақларда доғ бор.

Бошланиш варақлари йиртиб олинган. Китоб ҳолига келтиришда бетартиблик билан иш олиб борилган.

Таъмирланган.

Варақлар сони-216. Матн ўлчови -9,5х17. Қўлёзма ўлчови-15,5х26,5

39. Яна ўша 3562

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Қул Шариф, Машраб шеърлари ва «Пайғамбарлар қиссаси»дан парча билан бирга кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 35 ҳикматдан иборат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Девон

بسم الله دیب بیان ایلاي حکمت ایتیب

طالب لارکا در کوهر ساچتیم منا

мисралари билан бошланади.

Қоғози ва хатига қараб XIX асрда кўчирилган дейиш мумкин.

Ҳошияга матндан тушиб қолган сўзлар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Новвотранг Шарқ қоғози.

Матн қора, сарлавҳалар сариқ ва қизил сиёҳда оддий насталиқда битилган бўлиб, ҳар саҳифада бир устунли 21 йўл.

Матн қора ва қизил сиёҳ билан чизилган безак ичига олинган.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси. Унда ҳуснихат билан ёзилган шундай ёзув бор: عمل محمد صحاف Айрим варақларга суюқлик етказган шикастни айтмаганда, яхши сақланган.

Сўнгги варақлари тушган.

Қўлёзма ҳам, муқова ҳам таъмирдан ўтган.

Варақлар сони- 46. Матн ўлчови-8,5x18,2. Қўлёзма ўлчови-13,5x22,5.

40. Яна ўша 2886

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. «Машраб қиссаси», Машраб ғазаллари, «Али қиссаси» ва «Биби Фотима қиссаси» билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавийнинг 17 ҳикмати.

Бошланиши

مناجات ایلادي مسکین خواجه احمد

الهی قیل همه بند نکنی رحمت

Охири

خواجه احمد یوم کوزونکنی خلق کا ایتکیل سوزونکنی

کعبه کا سورت کوزونکنی رضا بولونك دوستلاریم

Кўринишидан XIX аср ўрталарида кўчирилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Пойгирлар бор.

Оқиш Қўқон қоғози.

Матн қора сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада бир устунли 11 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Айрим варақлардаги суюқлик етказган шикастни ҳисобга олмаганда, қўлёзма яхши сақланган.

Варақлар сони - 387. Матн ўлчови-12x20. Қўлёзма ўлчови-14,5x26.

41. Яна ўша 2781

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон, Шамс, Машраб, Муҳйи шеърлари ва «Бобо Равшан қиссаси» ҳамда «Ҳазрат Али қиссаси» билан бирга, аралаш ҳолда кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 30 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

مناجات ايلادي مسكين خواجه احمد

الهى قيل همه بندلكنى رحمت

Охири

مسكين احمد يسوي سلام ايدي دوستلارغه

اوشبو سوزنى معنى سين عاشق بولسه قويماسون

Кўринишидан XIX асрга мансуб дейиш мумкин.

Пойгирлар бор.

Оқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада икки устунли 14 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма уринган.

Варақлар сони - 161. Матн ўлчови-9x1,5. Қўлёзма ўлчови - 14,5x25,5.

42. Яна ўша 5317



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. «Ҳазрат Али қиссаси» ва шеърий ҳикоятдан парчалар билан бирга китобат қилинган.

Таркиби: Яссавийнинг 47 ҳикмати.

Бошланиши

عشق سرینی بیان قیلسام عاشق لارکا

طاقت قیلمای باشین آلیب کیتار دوستلار

Охири

کناهیم کوب یرلیقه غیل یا ذول جلال

غریب لیکده قل خواجه احمد بولوب ملال

Кўринишдан XIX асрга мансуб.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида битилган ва ҳар саҳифада бир устунли 13 йўл.

Муқова картондан ишланган бўлиб, кейинги давр иши.

Уринган.

Варақлар сони - 220. Матн ўлчови - 9,5x18. Қўлёзма ўлчови-15x25,5.

43. Яна ўша 3469

Оддий, уринган нусхалардан бири. Бир ҳикмат икки мартадан кўчирилган.

Таркиби: Яссавийнинг 33 ҳикматидан иборат.

Девон

زمانه آخر بولسه ایا دوستلار

تورلوك تورلوك بلالار قوبار ایرمیش

мисралари билан бошланади.

Кўринишидан XIX асрда кўчирилган.

Пойгирлар бор.

Қоғози икки хил: новвотранг, шилдироқ Қўқон қоғози ва сариқ ипак қоғоз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Матн қора ва қизил сиёҳ билан, сарлавҳалар эса қизил сиёҳ билан бадхат настаълиқ хатида кўчирилган. Ҳар саҳифада бир устунли 11 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма уринган. Айрим варақлар хати ўчиб кетган, ўқиш қийин. Айрим варақлар йиртиб олинган. Сўнгги варақлари тушган.

Тиклаш мумкин бўлган ерлари таъмирланган.

Варақлар сони - 120. Матн ўлчови - 10,5х18. Қўлёзма ўлчови - 14,5х24,5.

44. Яна ўша 1010.

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Девон ҳикмат ёзган шоирлар шеърларидан, Камолий, Абдухолиқ, Харобий, Қосим Анворий, Навоий, Машраб, Ҳофиз каби шоирлар шеърларидан ҳамда форсча ва туркча диний аҳкомлардан тузилган аралаш ҳолда кўчирилган мажмуа.

Таркиби: Яссавийнинг 31 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

هر صبح دم ایلکیم آجیب یاشیم ساجیب

حق مولیم نی درگاهیگا بارسام موکین

Охири

رحمی کیلسه رحیم مولیم رحم قیلغای

رحم ایلاسه یوزمینك عاصی خندان بولور

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX аср ўрталарида китобат қилинган.

Ҳошияга матндан тушган сўз ва мисралар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан хунук настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, ҳар саҳифада бир устунли 13 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Айрим варақларга суюқлик етказган шикастни ҳисобга олмаганда, қўлёзма яхши сақланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Варақлар сони-2466. Матн ўлчови -12x20. Қўлёзма ўлчови-14x26,5.

45. Яна ўша 6198

Нотўлиқ, уринган нусхалардан бири.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 10 та хикматдан иборат.

Девон

اول سببد ين آلتميش اوجده كرديم يركا

توقوز آي توقوز كونده يركا توشتوم

мисралари билан бошланади.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора сиёҳда оддий настаъликда кўчирилган ва ҳар саҳифада бир устунли 13 йўл.

Кўринишидан XIX асрга мансуб.

Қўлёзма уринган, ғариб ҳолатда. Муқова, асарнинг боши ва охири йўқ.

Варақлар сони - 62. Матн ўлчови - 8,5x18. Қўлёзма ўлчови-15x25,5

46. Яна ўша 7077

Эътиборли, тўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон ва Қул Сайфиддин ҳикматлари билан бирга аралаш ҳолда кўчирилган.

Таркиби: Яссавий тахаллуси билан ёзилган 92 ҳикматдан иборат.

Бошланиши

بيل عمر غنيمت دور تريك ليك كجار ايدوست

جان شمع كويار قلته توكانسه اوجار ايدوست

Охири

معرفت نينك درياسيغه باتينك بولغاي

بات ديديلار اي يارانلار باتماينمو

Қўлёзма кўринишидан XIX асрга мансуб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳошияга матндан тушиб қолган сатрлар ёзилган.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

Матн қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда оддий настаълиқ хати билан кўчирилган. Ҳар саҳифада бир устунли 11 йўл.

Дастлабки, босма нақшли Шарқ муқоваси.

Қўлёзма яхши сақланган.

Бошланиш варақлари тушган.

Варақлар сони-160. Матн ўлчови-10х17. Қўлёзма ўлчови-14,5х26.

47. Яна ўша 3515.

Оддий, нотўлиқ нусхалардан бири. Қул Сулаймон ва Қул Сайфуддин ҳикматлари билан бирга кўчирилган.

Таркиби:Яссавийнинг 36 ҳикматидан иборат.

Девон

كونكل قوشى شوق قناتين توقوب اوجسه

جمله وجود يادين سيرار بلبل بولور

мисралари билан бошланади.

Қўлёзманинг котиби, кўчирилиш таърихи ва жойи ҳақида маълумот йўқ. Кўринишидан XIX асрга мансуб.

Пойгирлар бор.

Сариқ ипак қоғоз.

